

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

**ROSSIYANING BIRINCHI PREZIDENTI B. N. YEL SIN
NOMIDAGI URAL FEDERAL UNIVERSITETI**

TOSHKENT IQTISODIYOT VA PEDAGOGIKA INSTITUTI

**INSON FAROVONLIGINI
O'RGANISHDA FANLARARO
YONDASHUV**

**xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari**

II QISM

Toshkent – 2023

Mas'ul muharrir:

Muxamedov Gafurjon Isroilovich

Kimyo fanlari doktori, professor, O'zbekiston fan arbobi

Tahrir hay'ati:

O.D.Ziyadullayev, E.E.Simanyuk, J.E.Usarov, S.B. Malix, D.O.Ximmataliyev, T.N.Tixomirova, R.A.Ikromov, Serdar Serdar uglu, J.F.Ravshanov, A.A.Pecherkina, G.O.Ernazarova, D.E.Chernousov, F.U.Qodirova, YU.V.Zapariy, N.X.Elmurzaeva, YU.E.Pyankova, SH.R.Samarova, A.P.Andropov, A.N.Rasulov, S.B.Qorayev, I.D.Qodirov, S.Gayupova, K.R.Mamadaliyev, A.S.Burnasov, N.J.Eshnayev, SH.E.Nurmamatov

Konferensiyaning maqsadi jamiyatda inson farovonligini oshirish muammolarini o'rghanish va bu yo'lida izlanishlar iolib borayotgan tadqiqochilarga amaliy yordam berish, ularni birlashtirishdan iborat. Insonning hayotda yashash darajasining sifat jihatidan o'sib borishi, raqamlashtirish jarayonlarining jamiyat, ijtimoiy guruqlar va shaxslarga ta'sirini o'rghanishga fanlararo yondashuvni ishlab chiqishni nazarda tutadi. To'plamdan shaxs farovonligining psixologik, inson farovonligining demografik jihatlari, ijtimoiy-madaniy aspektlari, ta'lim inson farovonligining bosh omili ekanligi, mustaqil-ta'lim klasteri inson farovonligining assosi va raqamlashtirishning inson farovonligini ta'minlashdagi qulayliklari masalalariga bag'ishlangan maqolalar o'rinn olgan. Kitob soha mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistrantlar va bakalavriat talabalari hamda keng o'quvchilar ommasiga mo'ljallangan.

Ilmiy to'plam Chirchiq davlat pedagogika universiteti Ilmiy Kengashining 2023 yil 27 sentyabrdagi 02-sonli qo'shma yig'ilish qarori bilan nashrga tavsiya etilgan. Ilmiy to'plam maqolalarida keltirilgan iqtibos va dalillar obyektivligi mualliflar zimmasida qoldiriladi.

Mualliflar qarashi va asarlar nomlaridagi imlo tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

ISBN 978-9910-9966-6-5

© Zebo prints, 2023.
© Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Замонавий олимлар лойиҳалаш масалаларини замонавий таълимдаги ривожланиш ва ўзгаришларнинг турли йўналишлари контекстидаги фаолият сифатида ўргандилар. Ушбу ишларнинг таҳлили лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш жараёнининг хусусиятларини аниқлаш, лойиҳалашнинг таълим имкониятларини таҳлил қилиш ва замонавий таълимни, шу жумладан олий таълимни инновацион ривожлантиришнинг турли йўналишларида натижаларни кўриб чиқиш зарурлигини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муслимов Н.А. Мутахассиснинг касбий шаклланишида масофавий таълимдан фойдаланиш йўллари // Ж. Infocom.UZ. -2004. -№ 5. -Б. 60-62.
2. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. - Т.: 2002. - 406 с.
3. Виноградов В.Н. Управление качеством: проектирование в постдипломном образовании // Актуальные проблемы дидактики высшей школы: современные технологии обучения / Министерство образования и науки РФ; Смол. гос. ун-т. Смоленск: Изд-во СмолГУ, 2007. Вып. 2. 468 с. С. 47-71.
4. Новикова В.А. Информационное образовательное пространство вуза как фактор формирования информационной профессиональной культуры будущего специалиста: Автореф. канд. пед. наук. Рязань, 2009. 24 с.
5. Дьюи Д. Демократия и образование: Пер. с англ. / Д.Дьюи. М.: Педагогика-Пресс, 2000. 384 с.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ҚЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ИСТИҚБОЛИ СИФАТИДА

К. Р. Мамадалиев

Чирчиқ давлат педагогика университети доценти в.б.

XXI асрдаги ҳар қандай ривожланиш инсоннинг юқори интеллектуал даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳозирги замон ёшлари билими ва тарбияси давр талабига жавоб берадиган ҳамда умуминсоний таълим-тарбия шаклтамойиллари билан ҳамоҳанг бўлиши зарурдир. Умумтаълим мактабларида, академик лицейларда, касб-хунар коллеж, техникумларда ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиласнинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳақидаги қарорлари фикримизни яққол мисоли бўла олади.

Ёшларимизни касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мўлжални мустақил тўғри ола билиш салоҳиятига қодир, истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш қудратига эга, мустақил фикрловчи, эркин, комил шахс қилиб шакллантириш, дунёга, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган, ишнинг кўзини билувчи, келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Ёшлар тарбияси ҳамда уларни тарбиялашда таълим тизимининг

қанчалик аҳамиятга эга эканлиги тасдигини Президентимизнинг қўйидаги фикрларида аниқ кўриш мумкин: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барibir кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ, айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир». Шу сабабли ҳам олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига компьютер технологиялари ёрдамида электрон ўқув-методик мажмуаларнинг яратилиши ва уни ўқув жараёнига жорий этилиши, талабаларнинг мустақил билим олишида, ўзлаштирилган билим даражалари савиясини аниқлашда, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилияtlарини шакллантиришда компьютерлардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлган ютуқлар ёки натижалар ўз самарасини бериб келмоқда. Мустақил таълимни ўргатиш ва ўрганиш жараёнида компьютерлар, мультимедиа тизимлари ва ҳатто мультимедиа лабораториялари бутун дунёда аллақачон фойдаланиляпти. Мустақил таълимни ўргатиш ва ўрганиш дастурлари учун ишлатиладиган мультимедиа тизимлари видео, расмлар, товуш ва ўқитувчиларнинг товушларини қайта ишлаш ва ёзиш имконини беради. Бу тизимдаги турли хил компонентлар бир-бирларига ўзаро таъсирларини кўрсатиш, кучайтириш ёки кенгайтириш учун боғланган бўлиши мумкин. Бу гўёки ҳамма ҳам қандай фойдаланишни билмайдиган ёки ҳамма ҳам эга бўлмаган жуда кучли юқори техникавий жиҳоз мавжуддек намоён бўлиши мумкин, лекин ҳақиқат шуки, юқорида тилга олинган жиҳозларнинг аксарияти дарҳақиқат кундалик ҳаётда жуда оддийдир. Телевизорга ўхшаб, мультимедиа системаларининг ҳам яққол кўзга ташланадиган ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар бир пайтни ўзида икки сезгига: “кўриш ва эшитиш” сезгисига хужум қиласди. Бу хусусият орқали мультимедиа тизимлари мустақил таълим оловчи билан ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу воситанинг барча қисмларидан фойдаланиш ўқитиш-ўрганиш муҳитини яхшилаш учун устунлик яратади. Буни биз қўйидаги афзаллик ва ноафзаллик қўйида берилган жадвалда ўз аксини топган.

Компьютерлардан фойдаланишинг афзаллик томонлари	Компьютерлардан фойдаланишинг ноафзаллик томонлари
<ul style="list-style-type: none"> ■ компьютерлар томонидан намойиш этиладиган видеолар, расмлар ва товушлар бир пайтни ўзида кўриш ва эшитиш қобилиятини оширади ваҳоланки, анъанавий манбалар бир пайтни ўзида бундай икки қобилятга таъсир эта олмайди; ■ компьютерлар талабаларни кўпроқ мустақил 	<ul style="list-style-type: none"> ■ баъзи талабалар ва ўқитувчиларини компьютерлар эсанкиратиб қўяди; ■ кўп талабалар ва ўқитувчилар анъанавий дарс усулларидан ўзгаришларни инкор этишади; ■ баъзи талабаларга мустақил ўрганувчи бўлишга кўникиш жуда қийин бўлади. Тартибсиз талабаларда компьютерлар билан ишлашда муаммолар бўлади;

<p>ўрганувчи бўлиб тайёрланишга ёрдам беради;</p> <p>❖ компьютер талабалар томонидан эгалланадиган ўрганиш стратегияларига таянч бўла олади;</p> <p>❖ ўқитувчиларнинг масъулияти талабаларга ўзларини устида ишлашлари учун зарур бўладиган стратегияларни беришни ўз ичига олади;</p> <p>❖ CD-ROM ли компьютерлар катта маълумот ва кенг қамровли турли хил рўйхатлар ва талафузларни таъминлаши мумкин;</p> <p>❖ компьютерлар интернет орқали дунё бўйича барча ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш имконини беради;</p>	<p>❖ компьютерлар ҳаётий реал мулоқот алмашинувининг баъзи муҳим хусусиятларини таъминлай олмайди;</p> <p>❖ компьютерлар техника механизмидир ва уларга бошқарув зарур, шунингдек, компьютерлар дарсга ёки ўрганиш вақтига халал берадиган нарсадир.</p> <p>❖ компьютерлар дарс жараёнида ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш муҳитини таъминлай олмайди.</p>
--	--

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, афзалликларнинг мавжудлиги билан бир қаторда ноафзалликлар ҳам мавжуд, улар компьютер билан ёки технологиялаштирилган муҳитда ишлашда ҳисобга олиниши керак. Мустақил таълим дарсларида компьютер билан ишлашда кузатилган баъзи талабалар ва ўқитувчilar компьютерлардан фойдаланиш жараёнида эсанкираб қолишади. Бу табиий ҳол, ўз навбатида компьютерлар нима қила олишини тушунишимиз, улардан кутиладиган самарага эга бўлиш учун биз авваламбор, уларни ишлатишимиш ва тушуниб, ижодий янгича назар билан таълил қилишимиз керак. Аввалом бор, биз “технологиялаштирилган” иш шароитимиз ва жараёнимизни тасаввур қилишга ёрдам берадиган бир талай саволларни ўзимиздан сўрашимиз керак. Хўш, бу қандай саволлар бўлиши мумкин?

- ❖ Мультимедиа системаларидан фойдаланадиган дарс жараёнида биз нимани қандай лойиъалаштиришимиз, амалга оширишимиз ва ўргатишимиз керак?
- ❖ Бу системани биз қачон ишлатамиш? Ҳар куними? Бутун ўқув хонадами? Белгиланган жадвал асосидами ёки ўзгарувчан жадвал асосидами?
- ❖ Бундай система қаерда бўлиши керак? Лабораториядами? Лабораториядан фарқли ўлароқ бошқа маҳсус жойдами? Бу жой қандай бўлиши керак?
- ❖ Бундай системали дарсларга кимлар иштирок этади? Улар ёш ўрганувчilar бўладими, ёши катта ўрганувчilar, ўқитувчи томонидан кўрсатма бериладиган мустақил ўрганувчиларми, бошловчиларми, ўрта даражали талабаларми ёки юқори савиядаги талабаларми?

❖ Бу система қандай ўқиши системаси учун ишлатилади? Мустақил таълимни дарс сифатидами? Махсус мақсадларга мўлжалланган мустақил таълим учунми?

Бу каби саволларга жавоблар компьютерларнинг фойдаси бизнинг эътиёжларимиз ёки манбаларимиз учун амалийлиги ва амалга ошиши мумкинлигини ҳал қилишда бизга ёрдам беради. Шунингдек, бу саволларга жавоблар бизнинг дастуримиз учун системанинг етарли ва мувофиқ самараси ҳақида қарор қилиш учун асос бўлиши мумкин. Қолаверса мустақил таълим дарсларингиз учун янги ғоялар, фикрлар, материаллар ва интерфаол усулларни ижод қилиб топиш учун янгидан янги манбалардан фойдаланиш имконига эга бўласиз вақтингиз ҳам тежалади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат – Т.: ТДРУ, “Низомий”, 2010.
2. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиши технологиялари. Тошкент, 2001.
3. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология–замонавий ўзбек миллий модели.–Т.: “Лидер Пресс”, 2009.–104 бет.

Отепбергенов Ж.С. Mustaqil ta'lim jarayonida talabalarning intellektual-kognitiv salohiyatini rivojlantirishning interfaol o'qitish texnologiyalari	264
Пулатова Дилфузা. Психолого-педагогические основы и методы научно-исследовательской деятельности студентов	267
Убайда Юнусовна. Организация службы слухоречевой реабилитации детей с кохлеарными имплантами в республике узбекистан как один из успешных направлений подготовки детей к инклюзивному образованию	269
Убайда Юнусовна. Инклюзив таълим шароитида ўқувчиларнинг билимини баҳолаш	273
Файзиева Кўйсиной, Ражабова Лола. Тарбиянинг ўзига хосликлари ҳамда таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамияти	276
Хакимов Ж.О. Бўлажак муҳандислар лойиҳалаш фаолиятини ташкил этиш	282
Мамадалиев К. Р. Мустақил таълим кўнижасини шакллантириш таълим жараёни истиқболи сифатида	284
VI SHO'BA. RAQAMLASHTIRISH INSON FAROVONLIGINI TA'MINLASHNING ZAMONAVIY YONDASHUVI SIFATIDA	
Abdig'Afforova Joziba, B.M.Qandov. Jamiyatimizda ma'naviyatning ijtimoiy maqomini oshirishda ma'naviy-mafkuraviy ta'lim-tarbiyaning ahamiyati	288
Anorboyev B.D. O'quvchilarning futbol bo'yicha texnik-taktik tayyorgarlik tomonlarini o'rghanish muammolarini	290
Abduraxmanova J.N. , Ibodullayev D.R., Po'Latova G.D. Amputant talabalarni harakatli va sport o'yinlari elementlari orqali funksional imkoniyatlarini oshirish	293
Davronov Avazbek. Ta'lim jarayonida omr evaluator dasturi (evalbee) dan foydalanish imkoniyatlari	297
Joldasov Ixtiyor. Kasb-hunar maktablarida kasbga yo'naltirishning pedagogik asoslari	299
Jumanazarova Z.Q. Talabalarning kompyuter savodxonligini oshirish	302
Maxsudov P.M. Zamonaviy o'qituvchi va uning raqamli kompetentligi	304
Musurmanov R. Oilada innovatsion klaster usulidan foydalanib farzand tarbiyalashning pedagogik shart-sharoitlari	307
Musurmonov R., M.Musurmonova, N.Abduhakimova. Maktab darslarining intizomiy omillari xususida	310
Muxtarova Shaxnoza. Ona tili darslarida raqamli vositalardan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish	312
Narmetov Ibrohim, Jo'rayev Anvar. Yangi raqamli transformatsiya asrida ta'limni rivojlantirish orqali barqaror rivojlanish va jamiyatning ijtimoiy farovonligini ta'minlash	316

**Nashriyot litsenziyasi № 2044, 25.08.2020 y.
“Times new roman” garniturası, kegli 14. Offset
bosma usulida bosildi. Shartli bosma tabog`i 35,9.
Adadi 100 dona. Buyurtma №101**

**Zebo prints MCHJda chop etildi.
Manzil: Toshkent shahar, Yashnobod tumani
58-A harbiy shahrcha.**